

## АЖРИМ

(ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш  
ва жиноят ишини тугатиш ҳақида)

2024 йил сентябрь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар суди, суднинг биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи А.Шералиев, Ш.Юсупованинг котиблигида, Қувасой шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Абдусатторов, жабрланувчи А.Арипов, гумон қилинувчи А.Ташланов ва унинг ҳимоячиси Фарғона шаҳар “Legal Aid” адвокатлик ҳайъати адвокати – Д.Эралиеванинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси  
Жиноят кодекси

257-моддасининг 1-қисми билан айбланган Ташланов Абдулла Усмановичга оид 1-1505-2401/157-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Ташланов Абдулла Усманович (TASHLANOV ABDULLA USMANOVICH ) – 1978 йилнинг 10 март куни Қува туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, “FERGANA GLOBAL MERIDIAN” МЧЖ директори, Қува тумани, Тошховуз МФЙ, Сирдарё кўчаси, 28-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси қўлланилмаган.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни

### аниқлади:

Дастлабки тергов органининг қарорига кўра, Ташланов Абдулла Усманович “FERGANA GLOBAL MERIDIAN” МЧЖ раҳбари лавозидида ишлаб келгани ҳолда, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (2016 йил 22 сентябрь, ЎРҚ-410-сон) 12, 23 ва 25-моддалари талаблари ва “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (2009 йил 16 апрель, ЎРҚ-210-сон) 4-моддаси “Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиш, касб касалигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлигини ушбу Қонунда белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурталаш шарт” талаби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 14 августда 273-сон билан Давлат рўйхатдан ўтказилган “Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги Намунавий Низомнинг 3-бўлим 24-банди “Руководитель обязан, исходя из функций, возложенных на него настоящим Типовым положением, распределить обязанности по решению задач охраны труда между подчиненными с четким определением круга их задач и ответственности.” 4-бўлим 1-§ 62-банди “Осуществляет общее руководство работами по созданию здоровых и безопасных условий труда на производстве, за что несет личную ответственность.” 63-банди “Обеспечивает правильную



организацию производства, производственных процессов и отдельных работ, складского, транспортного и других вспомогательных хозяйств предприятия.”  
73-банди “Организует и проводит обучение, инструктирование, проверку знаний и переаттестацию всех работников предприятия, включая руководителей.”

75-банди “Организовывает проведение предварительных, при заключении договора и периодических, в течение его действия, медицинских осмотров работников ряда профессий и производств в соответствии с порядком установленными органами здравоохранения.”- талабларини бажармасдан, ўзининг йўриқномасида кўрсатилган хизмат вазифасини лозим даражада бажармасдан, вазифасига совуққонлик билан қараганлиги сабабли жамиятда ишчи лавозимида ишловчи А.Арипов пласмасса махсулотидан яшиқ ишлаб чиқариш сеҳида иш жараёнида йиқилиб тушиши натижасида, ишлаб чиқариш ускунасида эриб чиқаётган пласмаса махсулотларни ушлаб олиб, олган тан жароҳати билан шифохонага олиб келинган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2024 йил 09 сентябрь кунги № 5661-сонли хулосасига кўра, А.Ариповда чап қўл 4-бармоқ фаланга суягини синиши, кафт соҳаси эзилиб йиртилган яра ва термик куйиши аниқланди. Бу тан жароҳатлари соғлиқни 21 кундан кўп муддатга бузилишига олиб келувчи ўртача оғирликдаги шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган

Жабрланувчи А.Арипов судга ариза билан мурожаат этиб, ҳозирда А.Ташланов ундан кечирим сўрагани, у билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, бошқа даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганини билдириб, айбланувчига нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи А.Ташланов судга ариза билан мурожаат этиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчи А.Арипов билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар қопланганлигини билдириб, ўзига нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига кўра, мазкур Кодекс 257-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига кўра, жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда, жиноят иши суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмай тугатилиши мумкин.

Иш ҳужжатлари ҳамда судда аниқланган ҳолатларга кўра, А.Ташланов ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлиб, жабрланувчи А.Ариповга етказилган моддий зарарлар тўлиқ ихтиёрий қопланган. Гумон қилинувчи А.Ташлановга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмас.



Шунга кўра ҳамда гумон қилинувчи А.Ташланов ва жабрланувчи А.Ариповларнинг ярашув аризаларини ўрганиб чиқиб, прокурор ва ҳимоячининг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги хулосаларни тинглаб, мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, суд, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини тугатишни лозим топди.

Бундан ташқари, суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисми талабларидан келиб чиқиб, жабрланувчи А.Ариповга суд ярашувни тасдиқлаганидан сўнг, улар томонидан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқотилгани ҳақида тушунтириб ўтилганини инобатга олишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд,

### **ажрим қилди:**

Ташланов Абдулла Усманович (TASHLANOV ABDULLA USMANOVICH) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинсин ҳамда унга нисбатан Жиноят кодекси 257-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига асосан тугатилсин.

Жабрланувчи А.Ариповга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани ҳамда мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида улар томонидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқотилгани ҳақида тушунтириб ўтилгани инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар Фарғона вилоят судига тегишли тартибда хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**А.Шералиев**



**Маъсул судья: Шералиев Авазбек Мухаммадович**



Хужжат имзоланган: Шералиев Авазбек Мухаммадович, 25.09.2024

